



БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР ТАСНИФИ

Абдусаттаров Бехрузбек Абдуқаҳҳор ўғли

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

Тел: 97.736-22-22

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18876506>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 24- fevral 2026 yil

Ma'qullandi: 26- fevral 2026 yil

Nashr qilindi: 28- fevral 2026 yil

KEY WORDS

директива, конвенция,
имплементация, иқтисодий
тергов, халқаро ҳамкорлик,
халқаро божхона
стандартлари.

ABSTRACT

Ушбу мақолада божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятларини тергов қилишдаги айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган ва халқаро ҳужжатлар таснифи, ушбу халқаро ҳужжатлардаги қоида ҳамда мажбуриятлар хусусида фикр юритилади.

БМТ ва унинг махсус органларининг XXI асрдаги фаолияти давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятига доир стандартлар ривожда янги давр бошланиб, ушбу вақтдан бугунги кунга қадар бирмунча такомиллашган. Ҳуқуқшунос олим О.Султонов “Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини такомиллаштириш” мавзусида тадқиқот олиб бориб, хориж мамлакатлари мазкур стандартларни ўз миллий қонунчилигига тадбиқ қилиш орқали давлатлар бир қанча ёки барча давлатларга хавф туғдирувчи жиноятларни халқаро характердаги жиноятлар сифатида туркумлаш, халқаро тавсифга эга жиноятларнинг олдини олиш ва тўхтатиб қуйиш бўйича тадбирларни марказлаштириш, жиноятлар ва жиноятчилар устидан одил судловни ўрнатиш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, жиноят ишларни тергов қилиш, айбдорларни аниқлаш бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни ҳал қилмоқдалар деган фикрларни билидириб ўтганлар¹.

Ушбу турдаги жиноят ишлари бўйича дастлабки тергови борасида Албаниялик ҳуқуқшунос олимлар Э.А.Карамуцо ва А.Абрижага кўра, ушбу жиноятларга қарши курашнинг асосий жиҳати гумон қилинаётган шахсларни проактив тергов қилишдир. Бу жараён чегарадан ўтаётган товарларни кузатиш ва назорат қилиш учун разведка маълумотлари, хавф таҳлили ва илғор усуллардан фойдаланишни ўз ичига олади, бу эса ноқонуний ва хавфли товарларнинг ўтишини аниқлаш ва олдини олиш имконини беради².

¹ О.Султонов “Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини такомиллаштириш” мавзусидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент - 2024. 21-22-бетлар.

² Э.А.Карамуцо ва А.Абрижа Божхона соҳасидаги трансмиллий жиноятларни тергов қилиш. Тадқиқот ва ишланмалар фанлараро журнали. 12-жилд, 1-сон/ 2025 йил март

Э.А.Карамуцо ва А.Абрижалар божхона соҳасидаги жиноятларни тергов қилишнинг самарадорлигини ошириш борасидаги фикрларини давом эттириб, Европа Парламенти ва Кенгашининг (www.europarl.europa.eu) 2017 йил 5 июлда қабул қилинган (EU-2017/1371) Директиваси трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда ва молиявий жиноятларни, жумладан, божхона жиноятларини тергов қилиш ва судга тортиш соҳасида халқаро ва институтлараро ҳамкорликни такомиллаштиришда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини, ушбу Директива Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг нафақат молиявий, балки бевосита божхона секторига таъсир қилувчи жиноятларга қарши курашиш имкониятларини мустақамлашда муҳим қадам бўлиб, давлат молиясига ва халқаро хавфсизликка таъсир қилувчи ҳаракатларга қаратилганлигини, у мамлакатларининг иқтисодий ва институционал тизимига жиддий зарар етказадиган солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва контрабанда каби жиноий фаолиятни тергов қилиш ва судга тортиш учун кенгроқ имкониятлар яратиб, янада мустақам ва уйғунлаштирилган ҳуқуқий асос бўлганлигини таъкидлашади³.

Юқоридаги олимларни Европа директивасини божхона соҳасидаги жиноятларни тергов қилишдаги аҳамияти ҳақидаги фикрига қўшиламиз. Чунки тадқиқот жараёнида ушбу Директива ўрганилганда ҳақиқатдан ҳам Директиванинг яна бир муҳим жиҳатига гувоҳ бўлдик. Яъни унда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва Europol (www.europol.europa.eu) ва Интерпол (www.interpol.int) каби халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик назарда тутилган бўлиб, ушбу ҳамкорлик кўпинча глобал миқёсда ташкил этилган ва бир нечта мамлакатларда фаолият юритувчи жиноий тармоқларни ўз ичига олган трансмиллий жиноятларга қарши самарали курашиш учун муҳим ҳисобланади. Шунингдек, Директивада аъзо давлатлар божхона ва молиявий қонунларни бузадиган жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш учун ахборот алмашинувини яхшилаши ва терговларни мувофиқлаштириши, ушбу ахборот алмашинуви тез ва самарали бўлиши кераклиги таъкидланган бўлиб, бу ўз навбатида терговни тез, тўлиқ ва сифатли олиб борилишига эришиш имконини беради. Айниқса, ушбу ҳамкорлик натижасида тезкор маълумотлар алмашинуви тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Бизни фикримизча, божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашда ўзаро самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ЕИ томонидан қабул қилинган Директива каби мажбурий ҳарактерга эга бўлган ҳужжат Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳам қабул қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз. Айтиш жоизки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг Божхона хизматлари томонидан, 2002 йил 7 июндаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Низомини, 2007 йил 2 ноябрдаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимни ва 2010 йил 11 июндаги Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга ошириш мақсадида, божхона ишлари соҳасидаги жиноятлар аъзо давлатларининг иқтисодий, савдо, молиявий, ижтимоий ва маданий манфаатларига зарар етказди ва ички хавфсизликка таҳдид солади, деб

³ Э.А.Карамуцо ва А.Абрижа Божхона соҳасидаги трансмиллий жиноятларни тергов қилиш. Тадқиқот ва ишланмалар фанлараро журнали. 12-жилд, 1-сон/ 2025 йил март

ҳисоблаб, 2014 йилнинг 05 декабрида “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар божхона хизматларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлиги тўғрисида” Баённома (протокол)ни имзолаган. Бироқ ушбу Баённома 9 та моддадан иборат бўлиб, мажбурий ҳарактерга эга бўлмасдан балки тавсиявий ҳарактерга эга бўлиб, божхона соҳасидаги ҳамкорликни барча жиҳатларини қамраб олмаган эди.

И.Л.Рудницкий божхона соҳасидаги жиноятларнинг тезкор ва тергов бўлинмаларининг уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган гиёҳванд моддалар контрабандасини аниқлаш ва тергов қилиш соҳасидаги ишини оптималлаштиришга қаратилган мураккаб илмий ва амалий тадқиқот олиб бориб, бундай жиноятларни тергов қилишнинг алоҳида концепциясини шакллантирган. Унга кўра, бу ташкилий, ҳуқуқий ва тактик чоралар тизимини ташкил этади ва қонунчилик ислоҳоти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини модернизация қилиш ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида доимий равишда такомиллаштиришни талаб қилади. Шунингдек, уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган гиёҳванд моддалар контрабандасини самарали аниқлаш тўпланган тажрибани танқидий таҳлил қилиш ва мураккаб трансмиллий, иқтисодий ва этник жиноий гуруҳларнинг пайдо бўлиши ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тезкор текширувларни ўтказишга асосланади⁴.

В.Г.Макаренкога кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти учун ОФС тизими (бошқача қилиб айтганда, божхона криминалистикаси) божхона учун муҳим илмий таянчга айланиши керак ва ҳақиқатан ҳам аллақачон айланиб улгурган ва на тезкор-қидирув фаолияти, на божхона органлари томонидан амалга ошириладиган шошилинч тергов ҳаракатлари бусиз амалга оширилмаслиги керак⁵.

Қозоғистон Республикасининг 26.12.2017 йилда қабул қилинган “Қозоғистон Республикасида божхона тартибга солиниши ҳақида”ги Кодекс⁶нинг 3-моддаси 5-қисмига кўра, божхона соҳасидаги жиноий ҳуқуқбузарликлар Иқтисодий тергов хизматларининг юрисдикциясига киритилган бўлиб, жиноят ишлари бўйича терговни Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ олиб боради.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятлари учун Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси⁷нинг 234-236-моддаларида жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, Жиноят процессуал кодекси⁸нинг 191-моддаси 3 ва 17 бандларига талабларига мувофиқ, божхона соҳасидаги жиноятлар Иқтисодий тергов хизмати органларига тааллуқли ҳисобланади. Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Иқтисодий тергов хизмати органлари божхона соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда мамлакат Жиноят процессуал кодексининг “Судгача тергов ўтказишнинг умумий

⁴ Рудницкий И.Л. “Уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган гиёҳванд моддалар контрабандасини аниқлаш ва тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари” диссертация ... фалсафа доктори: Львов, 2019. 250 б.

⁵ Makarenko, V. G. (2017). Customs Criminalistics (forensic Science): A New Concept for Customs Control. World Customs Journal, 11(1), 73–82. <https://doi.org/10.55596/001c.115488>.

⁶ Қозоғистон Республикасининг 26.12.2017 йилда қабул қилинган “Қозоғистон Республикасида божхона тартибга солиниши ҳақида”ги Кодекс. Манба: <https://www.wipo.int/wipolex/en/text/545918?utm>

⁷ Қозғистон Республикаси Жиноят кодекси 234, 236-моддалари. Манба: <https://zakonpravo.kz/en>

⁸ Қозғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 191-моддаси. Манба: <https://zakonpravo.kz/en>

шартлари” деб номланган 24-боби⁹да белгиланган талабларига мувофиқ дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришади.

Шунингдек, “Қозоғистон Республикасида божхона тартибга солиниши ҳақида”ги Кодекснинг 19-моддаси “Божхона идоралари томонидан қабул қилинган маълумотлар билан боғлиқлик” деб номланиб, мазкур моддада Божхона идоралари уларга тақдим этилган маълумотлар давлат, тижорат, банк хизматлари, солиқларни ҳимоя қилиш бўйича ва қонунлар билан ҳимояланган бошқа сирлар, шунингдек, халқаро махфий маълумотлар ёки Қозоғистон Республикаси шартномалари билан боғлиқ бўлган маълумотлар бўлган тақдирда, уларни дастлабки тергов органлари ва судга тақдим этиш тартибини белгилаб беради¹⁰.

Молдова Республикаси Жиноят кодекси¹¹нинг 248-250-моддаларида божхона соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, мамлакат Жиноят-процессуал кодексининг “Жиноят ишларини тергов қилувчи органлар” деб номланган 253-моддасига кўра, божхона хизмати органлари тергов қилиш ваколатига эга эканлиги, кодекснинг 268-моддасида эса божхона хизматининг жиноят ишлари бўйича тергов органи Жиноят кодексининг 248 ва 249-моддаларида назарда тутилган жиноятлар бўйича жиноий тергов олиб боришлиги белгиланган¹².

Шунингдек, Молдова Республикаси ЖПКдаги аҳамиятли жиҳат шундаки, кодекснинг 273-моддаси расмий экспертлар, уларнинг ваколатлари ва ҳаракатлари деб номланиб, ушбу модданинг биринчи қисмида- расмий экспертлар сифатида қонун билан ўз ваколатига киритиладиган жиноятлар бўйича полиция, Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш маркази, Божхона хизмати, Ахборот ва хавфсизлик хизмати, ҳарбий қисмлар ва тузилмалар командирлари ҳамда ҳарбий муассасалар бошлиқлари, жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари, кемалар ва ҳаво кемалари командирлари, терговчи судьялар кўрсатилган бўлиб, иккинчи қисмида эса модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ушбу Кодексга мувофиқ жиноятчиларни қўлга олиш, ашёвий далилларни мусодара қилиш, жиноятни аниқлаш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш, шахсларни чақириш ва улардан декларациялар олиш, зарарни баҳолаш ва бошқа шошилиш ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиб, бажарилган ҳаракатлар ва ҳолатларни тавсифловчи баённома тузади. Шунингдек, модданинг 3-қисми талабларига кўра, 2-банддаги қоидаларга мувофиқ тузилган тасдиқловчи ҳужжатлар, бошқа моддий далиллар манбалари билан бирга, полициянинг расмий тергов органлари, Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш маркази ва Божхона хизмати томонидан 24 соат ичида Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш маркази ва Божхона хизматида қонун билан ташкил этилган тегишли тергов органлари ва бошқа расмий тергов органлари томонидан жиноий иши қўзғатилиши учун прокурорга юборилади¹³.

⁹ Қозғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 24-боби. Манба: <https://zakonpravo.kz/en>

¹⁰ Қаранг: Қозоғистон Республикасининг 26.12.2017 йилда қабул қилинган “Қозоғистон Республикасида божхона тартибга солиниши ҳақида”ги Кодекс. Манба: <https://www.wipo.int/wipolex/en/text/545918?utm>

¹¹ Молдова Республикаси Жиноят кодекси. Манба: Republic_of_Moldova_Criminal_CodePDF (www.unodc.org)

¹² Молдова Республикаси ЖПК. <https://www.refworld.org/legal/legislation/natlegbod/2003/en/104339?utm>

¹³ Молдова Республикаси ЖПК 273-м. <https://www.refworld.org/legal/legislation/natlegbod/2003/en/104339?utm>

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятлари трансмиллий жиноятлар эканлигини, бир давлат ҳудудидан бошқа давлат ҳудудига бегиланган тартибни бузган ёки четлаб ўтган ҳолда уюшган гуруҳ ва жиноий уюшмалар томонидан (аксарият ҳолда) содир этилишини инобатга олиб, бу турдаги жиноятлар доим халқаро даражадаги долзарб масалалардан бири бўлиб келган.

Шу сабабли, Жаҳон божхона ташкилоти томонидан қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилиниб, ушбу ҳужжатлар аъзо давлатлар учун ўзаро ҳамкорлик ва ёрдам кўрсатиш ҳамда божхона соҳасидаги жиноятларни олдини олиш ва тергов ишлари самарадорлигига оид масалаларни ўз ичига олади. Хусусан, бу борада 1977 йил 09 июнь куни Кениянинг Найроби шаҳрида қабул қилинган “Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисида”ги халқаро конвенция ммуҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мазкур “Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисида”ги халқаро конвенциянинг расмий шарҳида (XI илова 51-шарҳ) ҳужжатни қабул қилиниши зарурати ҳақида қўйидагилар баён этилади: “Ушбу турли хил ҳуқуқий ҳужжатларнинг яратилиши Кенгашнинг тобора халқаро тус олаётган божхона жиноятчилигига қарши курашиш учун халқаро ҳамкорликка аҳамият беришини кўрсатди; у аъзолари энг кўп ташвишланаётган контрабанда турларига оид ҳужжатларни қабул қилган эди. Бироқ, айрим давлатлар фақат Тавсиялар асосида маъмурий ёрдам кўрсатишда қийинчиликларга дуч келишди ва ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама конвенциялар божхона жиноятларига қарши самаралироқ чоралар кўриш воситасини тақдим этишини ҳисобга олишди. Шу тариқа 1967 йил июн ойида Кенгаш аслида “Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга қарши курашиш учун ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисидаги намунавий икки томонлама конвенция”ни қабул қилди. Ушбу моделга потенциал тайёр Конвенция шакли ва таҳрири берилди. Бироқ, давлатлар модел қоидаларини ўзлари хоҳлаган тарзда олиб ташлаш ёки ўзгартириш ёки ўзаро эҳтиёжларига мослаштирилган қўшимча қоидаларни киритишда тўлиқ эркин бўлиб қолишди. Ҳатто моделда Конвенциянинг айрим моддалари учун ҳам муқобил вариантлар киритилган. Бу икки томонлама шартнома тузишни истаган мамлакатларга ўзларига мос келадиган қонундан танлаш имконини берди¹⁴.

Бироқ, минтақавий икки томонлама ёки кўп томонлама битимларнинг тузилиши, тегишли мамлакатлар учун жуда самарали ва керакли бўлса-да, тобора кенг тарқалаётган ва айрим жиҳатлари барча мамлакатларни ташвишга солаётган божхона жиноятларига қарши халқаро чоралар кўришнинг тўлиқ қониқарли воситасини таъминлай олмаслиги маълум бўлди. Шу сабабли, 1974 йилда Кенгаш Доимий Техник Қўмитага ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисидаги кўп томонлама конвенция лойиҳасини тайёрлашни топширди, натижада олинган ҳужжат етарлича самарали ва мажбурий бўлиши, шу билан бирга иложи борида кўпроқ мамлакатлар учун мақбул бўлиши кераклиги инобатга олинди. Бу иш 1977 йил 9 июнда Кенгашнинг Найроби (Кения) шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов

¹⁴ ЖБТ томонидан 09.06.1977 йилда қабул қилинган “Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисида”ги халқаро конвенция.

қилиш ва уларга барҳам бериш учун ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисидаги халқаро конвенциянинг қабул қилиниши билан яқунланди¹⁵.

ЖБТ томонидан қабул қилинган ушбу “Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисида”ги халқаро конвенция аҳамияти шунда бўлдики, бу ҳужжат божхона соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда аҳдлашувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва ўзаро ҳамкорлик масалаларини белгилаб берди.

Жумладан, мазкур ҳужжатнинг 2-боб 2-моддасига кўра, Конвенциянинг бир ёки бир нечта Иловалари билан боғланган аҳдлашувчи томонлар ўзларининг божхона маъмуриятлари ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш мақсадида бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатишга келишиб олдилар. Шунингдек, 4-боб 9-моддасига кўра, аҳдлашувчи томонлар Кенгаши ва Божхона маъмуриятлари Конвенциянинг умумий мақсадларига эришиш мақсадида шахсий ва тўғридан-тўғри муносабатларни сақлаб туриш учун божхона жиноятларини олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш учун масъул бўлган хизматларни ташкил қилишлиги белгиланган¹⁶.

Конвенциянинг VII иловаси 1-банди¹⁷ муайян божхона жиноятини тергов қилаётган аҳдлашувчи томон божхона маъмуриятининг ёзма илтимосига биноан, бошқа аҳдлашувчи томон божхона маъмурияти, зарур деб топилган ҳолларда, сўраётган аҳдлашувчи томон томонидан махсус тайинланган мансабдор шахсларга ўз идораларида ушбу идораларда сақланаётган тегишли китоблар, рейестрлар ва бошқа ҳужжатлар ёки маълумотлар билан танишиш, уларнинг нусхаларини олиш ёки жиноятга оид ҳар қандай маълумот ёки тафсилотларни олиш учун ваколат беради. 2-бандда эса 1-банд қоидаларини қўллашда сўраётган аҳдлашувчи томоннинг мансабдор шахсларига уларнинг терговларини осонлаштириш учун барча мумкин бўлган ёрдам ва ҳамкорлик кўрсатилиши баён этилган.

Ушбу конвенциянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳужжатнинг VIII иловаси¹⁸ талабларига кўра, иккала аҳдлашувчи томон ҳам тегишли деб ҳисоблаган ҳолларда, бир аҳдлашувчи томоннинг божхона маъмуриятининг мансабдор шахслари бошқа аҳдлашувчи томоннинг илтимосига биноан, ўша аҳдлашувчи томон ҳудудида ўтказиладиган терговларда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Халқаро божхона стандартларининг илмий-назарий асослари ва уларнинг ҳуқуқий моҳиятини тадқиқ этиш масалалари бўйича бир қатор олимлар ўз илмий ишларида ёндашувларни илгари сурганлар. Жумладан, В.Н.Сидиров ўзининг “Россиянинг ЖСТга қўшилишида Россия Федерацияси ва Евросиё иқтисодий иттифоқининг божхона қонунчилиги” номли монографиясида халқаро божхона стандартларининг ҳуқуқий табиатини очиб беришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, “халқаро божхона

¹⁵ ЖБТ томонидан 09.06.1977 йилда қабул қилинган “Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисида”ги халқаро конвенция.

¹⁶ ЖБТ томонидан 09.06.1977 йилда қабул қилинган “Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисида”ги халқаро конвенция. II боб, 2-модда

¹⁷ ЖБТ томонидан 09.06.1977 йилда қабул қилинган “Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисида”ги халқаро конвенция. VII илова, 1-банди.

¹⁸ ЖБТ томонидан 09.06.1977 йилда қабул қилинган “Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисида”ги халқаро конвенция. VIII илова.

стандартлари халқаро ҳуқуқнинг мустақил манбайи сифатида намоён бўлади ва улар халқаро шартномалар, конвенсиялар, тавсиялар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топади”¹⁹.

Й.Ладигина эса “Халқаро божхона ҳуқуқи” дарслигида халқаро божхона стандартларининг миллий божхона қонунчилигини такомиллаштиришдаги ролини ёритиб берган. Унинг қайд этишича, “халқаро божхона стандартларининг миллий қонунчиликка имплементацияси божхона маъмурчилиги самарадорлигини ошириш ва халқаро савдо жараёнларини соддалаштиришга хизмат қилади”.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш жиноятлари трансмиллий жиноят эканлиги ва ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш илғор қонунчилик, институционал ҳамкорлик ва халқаро ҳамкорлик ўртасида яхлит ёндашувни талаб қиладиган мураккаб вазифа ҳисобланади.

Божхона соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш миллий ва халқаро миқёсда кучли ва уйғунлаштирилган ҳуқуқий асосни талаб қилади. Шу сабабли ушбу қонунчилик базаси контрабанда, гиёҳванд моддалар савдоси, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, экологик жиноятлар ва бошқа турдаги жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун барча зарур имкониятларни яратиши зарур ҳисобланади

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.О.Султонов “Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини такомиллаштириш” мавзусидаги юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент - 2024. 21-22-бетлар.
2. Э.А.Карамуцо ва А.Абрижа Божхона соҳасидаги трансмиллий жиноятларни тергов қилиш. Тадқиқот ва ишланмалар фанлараро журнали. 12-жилд, 1-сон/ 2025 йил март
3. Рудницкий И.Л. “Уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган гиёҳванд моддалар контрабандасини аниқлаш ва тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятлари” диссертация ... фалсафа доктори: Львов, 2019. 250 б.
4. Makarenko, V. G. (2017). Customs Criminalistics (forensic Science): A New Concept for Customs Control. World Customs Journal, 11(1), 73–82. <https://doi.org/10.55596/001c.115488>.
- 5.Қозғистон Республикасининг 26.12.2017 йилда қабул қилинган “Қозғистон Республикасида божхона тартибга солиниши ҳақида”ги Кодекс. Манба: <https://www.wipo.int/wipolex/en/text/545918?utm>
- 6.Қозғистон Республикаси Жиноят кодекси 234, 236-моддалари. Манба: <https://zakonpravo.kz/en>
- 7.Қозғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 191-моддаси. Манба: <https://zakonpravo.kz/en>
- 8.Молдова Республикаси Жиноят кодекси. Манба: Republic_of_Moldova_Criminal_CodePDF (www.unodc.org)
- 9.Молдова Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Манба: <https://www.refworld.org/legal/legislation/natlegbod/2003/en/104339?utm>

¹⁹ Сидоров, Виктор Никифорович. Таможенное законодательство Российской Федерации и Евразийского Экономического союза в свете вступления России в ВТО. Монография, Москва – 2014, с-65,

10. ЖБТ томонидан 09.06.1977 йилда қабул қилинган “Божхона жиноятларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисида”ги халқаро конвенция.

11.Сидоров, Виктор Никифорович. Таможенное законодательство Российской Федерации и Евразийского Экономического союза в свете вступления России в ВТО. Монография, Москва – 2014, с-65,



INNOVATIVE
ACADEMY